

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ – БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАРНИНГ МУҲИМ АСОСИ СИФАТИДА

Хожаев Азизхон Саидалохонович -
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент в.б. Фарғона политехника институти

Аннотация: Мазкур тадқиқот ишида мамалакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда илмий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлари асосида юз бераётган муҳим ўзгаришлар ҳамда жамиятнинг 3 ренессансга ўтилаётган ҳозирги шароитида олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар топиш бўйича муҳим фаолияти ҳисобланган - тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг назарий, услубий, илмий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган. Хорижий олий таълим муассасаларининг ушбу йўналиш бўйича илғор тажрибалари ўрганилиб, уларни мамлакат олий таълим муассасаларига тадбиқ этиш йўллари, уларни амалга ошириш механизмлари баён қилинган. Мамлакат олий таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш омиллари, олийгоҳларда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш масалалари тадқиқ қилинган. Таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар топадиган муҳим фаолият сифатида – тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришнинг назарий-услубий ва амалий муаммоларини ечиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: тадбиркорлик, олий таълим муассасаси, бюджетдан ташқари маблағлари, ташкилий-ҳуқуқий шакли, пуллик хизматлар, таълим хизматлари, илмий тадқиқот ишлари, илмий ишланмалар, инновациялар, кичик корхоналар, илмий марказлар, spin-off компаниялар

ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ВУЗОВ - КАК ВАЖНАЯ ОСНОВА ВНЕБЮДЖЕТНЫХ СРЕДСТВ

Хожаев Азизхон Саидалохонович -
доктор философии по экономическим наукам (PhD),
и.о.доцент Ферганский политехнический институт

Аннотация: В этом исследовании значимые изменения в процессе социально-экономических, политических и научных реформ в стране, а также важная деятельность высших учебных заведений по привлечению внебюджетных средств в текущих условиях перехода общества к 3-му ренессансу - теоретические, методологические, научно-практические, посвященные изучению аспектов. Изучен передовой опыт зарубежных высших учебных заведений в этой сфере, описаны способы их применения в высших учебных заведениях страны, описаны механизмы их реализации. Изучены факторы формирования и развития предпринимательской активности в высших учебных заведениях страны, вопросы организации и становления хозяйствующих субъектов в высшей школе. Разработаны предложения и рекомендации по решению теоретических, методологических и практических задач дальнейшего развития предпринимательства как важного направления деятельности по привлечению внебюджетных средств в образовательные учреждения.

Ключевые слова: предпринимательство, высшее учебное заведение, внебюджетные фонды, организационно-правовая форма, платные услуги, образовательные услуги, исследования, научные разработки, инновации, малый бизнес, исследовательские центры, spin-off компании.

ENTREPRENEURIAL ACTIVITIES OF UNIVERSITIES - AS AN IMPORTANT BASIS OF EXTRA-BUDGETARY FUNDS

Khojaev Azizxon Saidaloxonovich -
Doctor of Philosophy (PhD) in Economics, docent.
Fergana Polytechnic Institute

Annotation: In this study, significant changes in the process of socio-economic, political and scientific reforms in the country, as well as the important activities of higher education institutions to raise extra-budgetary funds in the current context of society's transition to the 3rd renaissance - theoretical, methodological, scientific and practical devoted to the study of aspects. The advanced experience of foreign higher educational institutions in this area has been studied, the ways of their application in higher educational institutions of the country are described, the mechanisms of their implementation are described. The factors of the formation and development of entrepreneurial activity in higher educational institutions of the country, the issues of organization and formation of business entities in higher education have been studied. Proposals and recommendations have been developed for solving theoretical, methodological and practical tasks for the further development of entrepreneurship as an important area of activity in attracting extra-budgetary funds to educational institutions.

Keywords: entrepreneurship, higher education institution, extra-budgetary funds, organizational and legal form, paid services, educational services, research, scientific developments, innovations, small businesses, research centers, spin-off companies.

Кириш. Мамлакатда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизими 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” ва “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш” концепцияларида Ўзбекистон Республикасининг узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ва инновацион тараққиёти бўйича аҳолининг фаровонлигини таъминлаш асосида илм-фан ва инновацион иқтисодиётни тараққий эттиришни назарда тутди [1,2]. Бундай шароитларда инновацион иқтисодиётга мос келадиган, янги билимларни яратиш асосида уларни ўзлаштиришга қодир бўлган ҳар томонлама рақобатбардош кадрлар ҳамда етук мутахассисларни тайёрлаш – олий таълим муассасаларининг асосий масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Юқорида қабул қилинган ҳужжатларга асосан олий таълим тизими олдида белгиланган янги вазифалар сифатида олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион ва илмий-тадқиқот фаолиятини кенгайтириш асосида қўшимча молиялаштириш манбааларини кўпайтириш талаб этилади. Амалдаги ҳужжатларга асосан олий таълим муассасаларини молиялаштириш масалалари давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда бюджетдан ташқари топилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бюджетдан ташқари маблағлар – олий таълим муассасаларининг турли фаолият натижалари асосида ишлаб топилади. Шу сабабли бугунги кунда олий таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолиятларини янада ривожлантириш асосида бюджетдан ташқари қўшимча маблағларни жалб қилиш, уларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан салмоғини ошириш, бюджетдан ташқари топиладиган маблағларнинг янги манбааларини излаш – долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Хорижий малакатлар олий таълим муассасаларининг тадқиқ қилинган илғор тажрибалари шуни кўрсатадики, олий таълим муассасалари молиявий манбааларида тадбиркорлик фаолиятлари асосида ишлаб топиладиган маблағлар асосий улушни эгаллаб, жумладан, бюджетдан ташқари маблағлар АҚШда 52 фоиз, Буюк Британияда 38 фоиз, Канада 39 фоиз ва Японияда 57 фоизни ташкил этади [3]. Улардаги олий таълим муассасалари фаолиятлари давомида кўплаб илмий-тадқиқот, инновацион ишланмалар ва маслаҳат (консалтинг) ишларини олиб боришади.

Шиддатли рақобат шароитида Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ҳам кўрсатиладиган таълим хизматларининг юқори сифати ва миқдорий хилма-хиллигини ошириш, илмий-инновацион фаолиятдан олинadиган бюджетдан ташқари топиладиган тадбиркорлик фаолиятлари асосидаги маблағларни янада оши-

риш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бунда олий таълим муассасалари негизида ташкил этилган турли тадбиркорлик субъектлари (кичик инновацион корхоналар, унитар, spin-off, илмий марказ ва б.) алоҳида ўрин тутиши керак. Ҳозирги кунда бюджет ташкилотлари ҳисобланган олий таълим муассасаларида таълим хизматларини янада ошириш, тадбиркорлик фаолиятларини амалга ошириш асосида қўшимча бюджетдан ташқари маблағларни ишлаб топишга мўлжалланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича илмий ишларнинг етарлича олиб борилмаганлиги танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Олий таълим муассасалари инновацион билимга асосланган иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим восита эканлиги умумий қабул қилинган масала ҳисобланади. Улар ва давлат тадқиқот муассасаларида кўплаб билимлар ишлаб чиқилганлиги туфайли минтақавий иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун муҳим восита сифатида қаралади. Уларда билим яратиш орқали қиймат қўшадиган янги, инновацион корхоналарнинг ажралиб чиқиши туфайли нафақат Европада, балки бутун дунё бўйлаб ҳукуматлар кўпроқ тадбиркорлик олий таълим муассасаларини яратишга ҳаракат қилмоқдалар [4].

Борган сари олий ўқув юртларидан ўз тадқиқоти натижаларини тижоратлаштириш ва янги билимга асосланган корхоналарни яратиш орқали тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш талаб қилинмоқда [5].

Давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар университетлар даражасида тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитларни яратиш, университетлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни рағбатлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга киришдилар. Шу билан бирга, университет ўқув режалари ва тадбиркорликка ўқитиш дастурлари доирасида тадбиркорликни таҳлил қилиш бир қатор иқтисодчи олим ва тадқиқотчиларнинг қизиқишини уйғотган. Уларнинг кўпчилиги олий таълимнинг тадбиркорлик таълими асосида янги инновацион корхоналар яратиш зарурлигини таъкидлаб ўтишган [6,7,8].

Шу билан бирга, тадқиқотчилар Б.Р.Кларк (1998), В.Спорн (2001), Х.Этзковитз (2004) ва Д.А.Кирбилар (2005) томонидан тадбиркорлик университетларини ривожлантиришнинг тўртта назарий ёндашуви ёки моделлари аниқланган. Ушбу моделлар институционал иқтисодий назарияга мувофиқ таҳлил қилинган ва уларнинг ҳар бири расмий ва норасмий омиллар билан бирлаштирилган. Уларнинг эмпирик тадқиқотларида келтирилган далиллар тадбиркор-

лик фаолияти, тадбиркорлик қарашлари, трансформация жараёни, стратегиялар, таркибий ўзгаришлар ва бошқалар билан боғлиқ масалалар жамланган ҳолда амалий тадқиқотлар методологиясидан фойдаланишни очиб беради. Шундан сўнг олий таълим муассасаларида “тадбиркорлик олийгоҳлари”ни яратиш ва ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилувчи назарий асослар таклиф этилган [9,10,11].

Давлат таълим муассасасининг ўзига хос хусусияти уни молиялаштириш манбаи - давлат бюджетидир. Шундай қилиб, Олий иқтисодиёт мактаби ректори Й.Кузминовнинг сўзларига кўра, типик давлат университети бюджетиде давлат томонидан молиялаштириш 50 фоиздан кам, нодавлат олий таълим секторида эса давлатдан молиявий тушумлар аҳамиятсиз эканлиги кўрсатилган. Таълим фаолиятини амалга ошириш катта молиявий харажатларни талаб қилади, бу борада университетлар етарли даражада молиялаштирилмайди. Университетнинг асосий мақсади таълим фаолиятини амалга ошириш бўлишига қарамай, улар учун одатий бўлмаган тадбиркорлик муносабатларига киришлари зарур бўлади. Нафақат таълим муассасалари, балки барча давлат муассасалари ўз фаолиятини уларнинг мақоми, мавжуд мулкдан фойдаланиш ва даромад келтирувчи тадбиркорлик фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқлари мавжуд. Шу маънода таълим муассасалари соғлиқни сақлаш, маданият, жисмоний тарбия, спорт ва бошқалар билан бир фаолият билан шуғулланишлари мумкин бўлади [12].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида ишнинг назарий-услубий асосларини ўрганишга бағишланган тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, кузатиш, таққослаш, гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилган. Ушбу келтирилган усуллар ишнинг мақсад ва вазифаларга қараб турли босқичларида фойдаланилган.

Асосий қисм. Таълим хизматларининг характерли хусусиятлари сифатида:

1. Сотиб олиш пайтигача номоддийлик. Таълим хизмати буюртмачи томонидан реклама, таълим муассасаси веб-сайтидаги маълумотлар ва таълим муассасаси томонидан кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини тасдиқловчи хужжатлар (лицензия, сертификат) асосида сотиб олинади.

2. Ижрочилардан ажралмаслик. Таълим хизматларини кўрсатиш технологияси профессор-ўқитувчининг бевосита иштирокини талаб қилади. Таълим хизматларини кўрсатишнинг масофавий шакли ҳам профессор-ўқитувчи билан бевосита боғланишни талаб қилади.

3. Номоддийлик. Таълим хизматини олдиндан тўлиқ тайёрлаб бўлмайди, у истеъмолчи

томонидан зарур билимларни ўзлаштириш шаклида намоён бўлади, янги технологиялар жорий этилиши, жамият ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ушбу хизмат доимий янгиланишни талаб қилади.

4. Ташиб бўлмаслик. Таълим хизмати – уни ишлаб чиқариш жойида кўрсатилади. Ҳозирги вақтда масофавий таълимнинг ривожланиши билан шуни айтиш мумкинки, миқдор хизматларни масофадан туриб ҳам сотиб олиши мумкин, аммо таълим хизматининг асосий қисми олийгоҳ ичида, унинг истеъмолчисининг бевосита иштироки асосида олиб борилади.

5. Сифатнинг ўзгарувчанлиги. Бу таълим хизматининг ўзига хос хусусияти саналади. Сифатга ташқи ва ички кўплаб омиллар таъсир қилади: моддий-техника базаси, малакали профессор-ўқитувчилар таркиби, таълим дастурлари, қонунчилик базаси ва бошқалар. Таълим хизматининг сифати юқоридаги омиллар таъсири асосида шаклланади.


6. Меҳнат интенсификацияси. Таълим хизмати икки томоннинг - таълим хизмати истеъмолчиси ва уни ижрочисининг фаол иштироки асосида тақдим этилади.

Бизнинг фикримизча, таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликнинг асосий омил олий таълим муассасаларининг мавжуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш даражасини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ҳисобланади.

Таълим хизматлари бозорининг тузилиши ва унинг ўзаро таъсири 1-расмда кўрсатилган.

Таълим муассасаси амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда пуллик қўшимча таълим хизматлари ва таълим муассасасининг уставида назарда тутилган бошқа хизматларни кўрсатиши, шунингдек ихтиёрий хайриялар орқали қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, жисмоний ёки юридик шахсларнинг, шу жумладан хорижий фуқаролар ва хорижий юридик шахсларнинг мақсадли бадалларини жалб қилиш имконияти мавжуд (2-расм).

Хорижий мамлакат олий таълим муассасаларида бюджет ташқари маблағларнинг асосий қисми илмий тадқиқот ишлари ва илмий маслаҳатлар беришдан келиб тушади. Бизнинг олий таълим муассасаларида эса бу йўналиш бўйича маблағларнинг улуши паст эканлигини кўриш мумкин. Бу ўз навбатида ҳозирги рақобат муҳитида олий таълим муассасаларининг илмий тадқиқот ишлари ва уларни тижоратлаштириш ишларига алоҳида аҳамият қаратишлари кераклигини кўрсатади.



1-расм. Таълим хизматлари бозори ва олий таълим муассасаларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ўртасидаги муносабатларнинг синергетик модели

Чунки илмий тадқиқот ва ишланмалар бир вақтнинг ўзида ҳар қандай олий таълим муассасаларининг асосий фаолият йўналишларидан бири бўлиб, уни тўғри ташкил этиш орқали қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилишнинг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Бунинг натижасида келгусида олий таълим муассасасининг моддий-техник базасини янада ривожлантиришга эришиш мумкин бўлади. Ушбу фаолият турининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

- тадбиркорлик субъектлари билан тузилган хўжалик шартномалари бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш;
- фуқароларга, корхона ва ташкилотларга пуллик ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

- олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларига тегишли патент, нау-хау, дастурий таъминот ва лицензияларини сотиш;

- олий таълим муассасаларида ташкил қилинган технопарклар, бизнес-инкубаторлар, марказлар, корхона ва ташкилотларнинг ходимларини малакасини ошириш, уларга илмий ва тажриба-конструкторлик ишланмалари натижаларини (маҳсулотларини) жорий этиш;

- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, ижтимоий аҳамиятга эга, ижтимоий тадбирларни ўтказиш, илмий-амалий конференциялар, семинарлар ташкил этиш, халқаро ва ички грантлар олиш, донорлик ёрдамларини жалб қилиниши мумкин.



2-расм. Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар топадиган тадбиркорлик фаолиятлари

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Агар биз давлат таълим муассасасини молиялаштириш манбаларини тизимлаштирсак, бир қатор фаолият бўйича молиявий оқимларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Замоनावий амалиётда мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларини молиялаштириш манбааларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан
2. Тўлов-шартнома асосида таълим олиш;
3. Маълум дастурлар асосида таълим олиш;
4. Тадбиркорлик фаолияти орқали олинган даромадлар;
5. Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият натижалари;
6. Грантлар;
7. Жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия ажратмалари.

Давлат олийгоҳлари учун асосий молиявий оқим республика ва маҳаллий бюджетларидан марказлаштирилган тарзда ажратилган ва давлат томонидан назорат қилинадиган бюджет тушумлари ҳисобланади. Ҳозирги кунда олий таълим муассасалари даромадларининг умумий таркибида 30-35 фоизини ташкил қилади.

Иккинчи ва учинчи пул оқимлари пуллик таълим хизматларини амалга оширишдан тушган тушумлардир. Ўтказилган ҳисоб-китобларига кўра, ушбу молиявий манбалардан келиб тушадиган даромадлар давлат олий таълим муассасаларининг барча бюджетдан ташқари тушумларининг 60-80 фоизини ташкил қилади. Биз пуллик таълим фаолиятдан олинган даромадларни иккита оқимга ажратамиз - асосийси бу олий маълумот дипломини олиш учун асосий дастурлар бўйича тўлиқ ўқитилаётган талабалардан олинган маблағлар киради.

Ҳам давлат, ҳам нодавлат олий таълими муассасалари орқали ўтадиган учинчи пул оқимига пуллик таълим хизматларини кўрсатиш-

дан олинган маблағлар киради. Бу олий таълим дипломини олишга қаратилган асосий дастурлар бўйича таълим олишдан ташқари, қўшимча таълим дастурлари: аспирантура ва докторантура, абитуриентлар, олий таълим муассасасига киришгача, шу жумладан, халқаро дастурлар, МБА, касбий қайта тайёрлаш, хорижий тилларни ўрганиш курслари киритилади.

Тўртинчи молиявий оқим – олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Ушбу пул оқимига биноларни ижарага бериш, наشريёт фаолияти, талабалар турар жойлари билан таъминлаш, талабалар учун овқатланиш ва бошқалардан олинган даромадлар киради. Ушбу тушумлар университетнинг бюджетдан ташқари маблағларининг ўртача 5-6 фоизини ташкил қилади. Давлат бошқаруви мисолида шуни кўрсатадики, улар анча юқори кўрсаткичларга эришиш мумкин бўлган ҳолда, бу даромад турлари ҳар йили камайиб бормоқда. Ушбу молиявий оқим санаб ўтилган манбалардан олинган маблағлардан мақсадли фойдаланиш муаммоси билан ҳам боғлиқ. Назорат қилувчи органларнинг талабларига кўра, ушбу тушумлардан олинган маблағларнинг мақсадли сарфланиши билан боғлиқ. Масалан биноларни ижарага беришдан олинган даромаддан ижарага олинган жойга қўшни бўлган ҳудудни тозалашга сарфланиши керак бўлади. Олий таълим муассасасиларига тадбиркорлик манбаалардан олинган маблағлардан мақсадли фойдаланиш муаммоси ҳозирги кунда жуда мунозарали бўлиб, қонун ҳужжатларида ҳам камроқ эътибор қаратилган.

Бешинчи ва олтинчи молиявий оқимлар бир хил иқтисодий соҳада ва хайрия каби ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқ. Ўтказилган тадқиқот натижалари асосида ушбу фаолият бўйича молиявий оқимлар олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари фаолиятининг қарийб 5-7 фоизини ташкил қилади.

Еттинчи пул оқими – даромад олий таълим муассасаси томонидан 1 та хўжалик ҳисобидаги пудрат иши - тадқиқот иши (илмий тадқиқот иши) ва инновацион фаолиятни амалга ошириш орқали олинган даромадлари киритилади. Бугунги кунда ушбу тушум олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари фаолиятининг ўртача 5-6 фоизини ташкил этади.

Олий таълим муассасаларининг иқтисодий фаолияти натижаларида инновацион таркибий қисмни ажратиб олиш қийин вазифадир, чунки яқин вақтгача олийгоҳлар инновациялардан даромадларни тизимли олишга етарлича эътибор қаратмаган. Анъанага кўра, инновацион фаолият амалий илм-фаннинг бир тури сифатида қаралади ва олийгоҳнинг иқтисодий ривожланишини акс эттирувчи статистик маълумотларда инновацион компонентлар одатда кўрсатилмайди. Бу эса маълум муаммони келтириб чиқаради. Инновациянинг моҳияти фақат қўлланиладиган илмий-техникавий натижани олиш билан чекланмайди. Инновацион жараённинг натижаси - маҳсулот ва хизматларни сотиш, интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш, қимматли қоғозлар пакетларини бошқариш, венчур инвестицияларни жалб қилиш ва инновацион фаолиятни ташкил этувчи бошқа фаолият шаклида доимий равишда даромад келтирадиган маҳсулот ёки технология бизнесини амалга ошириш ҳисобланади. Бу фаолиятларни ҳам келгусида олий таълим муассасасига жорий этиш асосида унинг тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга эришиш мумкин бўлади.

Таълим фаолиятдан тадбиркорлик даромадлари ҳажми бозор конъюктураси ва таълим муассасаларининг уларни жалб қилиш имкониятлари билан белгиланади. Бир қатор иқтисодий адабиётлар ўрганиб чиқилиб, биз пуллик таълим хизматларини йўлга қўйиш жараёнига таъсир этувчи асосий омиллар сифатида олий таълим муассасаси салоҳиятининг қуйидаги таркибий қисмлари эканлигини аниқланди:

- илмий салоҳият;
- ички меъёрий-ҳуқуқий база ва ахборот ресурслари;
- ўқув жараёнига нарх белгилашнинг ёндашувлари ва тамойиллари;
- лицензиялар, аккредитация ва сертификатлаштиришнинг мавжудлиги;
- жойлаган ўрни;
- бинолар ва жиҳозларнинг техник ҳолати;
- ахборот ресурс маркази (кутубхона) фонди;
- ўқув-услубий база;
- олий таълим муассасаси имиджи;
- малакали стратегик бошқарув;

- ривожланган жамоатчилик билан алоқалар тизими, шу жумладан олигоҳ битирувчилари билан алоқаси киритилади.

Пуллик таълим хизматлари нархлари жалб қилинган тадбиркорлик даромадларини жалб қилиш самарадорлигини ошириш ва оптималлаштириш асосида таълим муассасаларининг стратегик ривожланишини бошқаришнинг энг муҳим дастаклари ҳисобланади. Шубҳасиз, нархни аниқлаш тизими моддий, меҳнат ва бошқа харажатларни баҳолаш методологиясидан фойдаланадиган мураккаб жараёндир. Бундан ташқари, методологиянинг ўзи ўзаро боғлиқ механизмлар ва шахсий усуллардан иборат бўлиб, профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақини ҳисоблаш, техник ёрдамчи ходимлар, бошқарув ходимлари, таълим хизматлари сифатини баҳолаш ва харажатларга таъсир қилувчи бошқа омиллар асосида амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда технопарклар алоҳида ўрин тутади. Чунки у ерда илмий ва инновацион фаолияти натижалари сифатида маҳсулотлар тайёрланиши мумкин.

Олийгоҳлар негизида технопаркни ташкил этиш ва ривожлантириш қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни таъминлайди:

- олий таълим муассасасининг илмий салоҳиятини сақлаб қолиш (инновацион тузилмаларда янги иш ўринлари);
- илм талаб қиладиган тадбиркорлик соҳаларидаги мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ва қайта тайёрлаш бўйича тажриба базасини яратиш;
- амалий тадқиқотларни тижоратлаштириш, уларнинг натижаларини юқори технологияли маҳсулотлар бозорида таклиф этилаётган маҳсулотга етказиш учун шарт-шароитлар яратиш;
- молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбаларидан, шу жумладан венчур капиталдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
- туман ва шаҳарлар саноатини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ ҳолда ҳудудий ўзаро ҳамкорликни кучайтириш;
- олий таълим муассасасининг бошқа ҳудудлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;
- илм-фанни талаб қилувчи тадбиркорлик соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қўшма инновацион лойиҳаларни амалга ошириш соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш;
- яратилган юқори технологияли маҳсулотлар ва хизматлар учун интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш;

• юқори технологияли маҳсулотларнинг халқаро бозорга олиб чиқиш.

Технопарк таркибига кирувчи фирмалар фаолиятининг асосий йўналишлари: янги материаллар; материалларни қайта ишлаш технологияси; компьютер; технологик мониторинг ва назорат қилиш асбоблари; илмий тадқиқотлар учун асбоблар; экологик хавфсизлик; ўлчаш технологияси; инновацияларни бошқариш (ўқитиш ва консалтинг); коммунал хизматлар учун асбоблар, умумий истеъмол товарлари киради.

Шундай қилиб, технопарк – бу илмий тадқиқотларни яратиш, илгари суриш ва бозорга киритиш бўйича тўлиқ циклни амалга ошириш учун барча зарур имкониятларга эга бўлган ташкилий тузилма бўлиб, олийгоҳнинг тадбиркорлик стратегиясини ишлаб чиқишнинг энг истиқболли йўналиши ҳисобланади. Бироқ, олий таълим муассасасида технопарк ташкил этишда қуйидаги тўсиқлар юзага келиши эҳтимолини таҳлил қилиш зарур:

• олийгоҳ раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва муҳандис-техник ходимларнинг илмни кўп талаб қилувчи маҳсулотлар бозорида ишлаш учун амалий тайёргарлиги етарли эмаслиги;

• бюджет маблағларининг етишмаслиги шароитида илмий тадқиқотларга хизмат кўрсатувчи кўпчилик университет кафедралари ишида самарадорлик йўқлиги, шунинг учун инновациялар соҳасида, маҳсулотларни сертификатлаштириш, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, экологик хавфсизлик ва бошқалар масалалари тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги;

• олий ўқув юртлари, корхоналар, ҳудудлар ва бошқалар ўртасидаги ижодий алоқаларнинг заифлиги, ишлаб чиқувчилар ўртасида маълумот алмашиш паст эканлиги;

• олий ўқув юртларида инновацион жараённинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири – замонавий, бозорга йўналтирилган интеграциялашган бошқарув тизими ва истиқболли илмий-тадқиқот ишларини излаш ва қўллаб-қувватлашдан тортиб, илмни кўп талаб қилувчи маҳсулотни жорий этишгача бўлган инновацион циклни етарлича таъминланмаганлигидир. Шунингдек даромаднинг бир қисмини университетда илмий тадқиқотларни ривожлантиришга қайта сармоя киритишдаги муаммоларнинг мавжудлиги.

Таълим, илм-фан ва бизнеснинг интеграциялашуви жараёни билан бирга олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолияти шакли сифатида консалтинг хизматларини кўрсатиш бўлиши мумкин. Хорижий университетларда консалтинг тўлиқ институционал ҳодиса бўлиб, университетнинг тадбиркорлик фаолиятининг расмий турларидан бири ҳисобланади,

Консалтинг хизматларини кўплаб университет ходимлари ҳам кўрсатадилар, аммо бу тадбиркорлик фаолияти доирасида содир бўлмайди. Бироқ, сўнгги йилларда университет консалтинг соҳаси аста-секин оммалашаётганлигини кўриш мумкин. Бу асосан технопаркларни яратиш жараёнида содир бўлади.

Технопаркни яратиш ҳар бир олийгоҳ салоҳияти йетарли эмас. Технопарк асосан техник соҳадаги олийгоҳларнинг устуворлигида кўринса, шу билан бир қаторда гуманитар, ижтимоий ва иқтисодий олийгоҳлар эса консалтинг хизматлари билан шуғулланиш орқали хизматлар бозорида ўз ўрнини эгаллаши мумкин бўлади.

Ҳозирги вақтда консалтинг хизматлари бозорининг энг жадал ривожланаётган ва юқори даромадли йўналишларидан биридир, шунинг учун олий ўқув юрти негизида консалтинг ташкилотини яратиш, ушбу олийгоҳ учун муҳим даромад манбаи бўлади. Молиявий ёрдам, техник ёрдам ва бошқа лойиҳалар бўйича дастлаб халқаро компаниялар билан маслаҳатлашиш халқаро миқёсда таълим муассасалари томонидан кенг қўлланиладиган тижорат имкониятини беради. Олий ўқув юртлари ҳам тадқиқот марказлари бўлганлиги сабабли, кўпинча олиб бориладиган тадқиқотлар ва маслаҳатлар бири-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Олийгоҳда консалтинг ташкилоти фаолияти самарадорлигини ошириш учун, биринчи навбатда, ушбу ташкилотни юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиши зарур. Бу потенциал ҳамкорлар ва мижозлар томонидан ушбу ташкилотга ишонч даражасини оширишга ёрдам беради. Қўшма муносабатларга киришаётган кўпгина халқаро ташкилотлар маҳаллий ҳамкорнинг юридик шахс бўлишини талаб қилади.

Ташкил этилаётган консалтинг компанияси раҳбарияти таълим муассасасининг илмий ихтисослашув йўналишлари ва маслаҳатчилар (олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари), шунингдек, илгари мавжуд бўлган консалтинг тажрибасининг қисқача тавсифини тайёрлаши керак бўлади.

Шундай қилиб, олийгоҳлар ва бизнес тузилмаларини интеграциялашув жараёни олийгоҳлар учун ҳам, тижорат корхоналари учун ҳам ижобийдир, чунки юқорида кўрсатилган ўзаро манфаатли ҳамкорлик усулларида ташқари, олийгоҳлар билан ҳамкорликда келгусида корхоналар ўз бизнеслари учун юқори малакали кадрлар тайёрлашлари мумкин бўлади.

Шундай қилиб, таълим, илм-фан ва бизнесни интеграция қилиш тенденцияси доирасида олийгоҳ бизнес тузилмаларининг кўмагидан фойдаланган ҳолда ва ўз ходимларининг илмий салоҳиятини рўёбга чиқарган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириши мумкин, бу

билан нафақат ўзи учун иқтисодий манфаатларга эришади ва унинг омон қолишини таъминлайди.

Жаҳон таълим маконига интеграциялашувга йўналтирилган тадбиркорлик фаолияти доирасида олийгоҳлар тадбиркорлик фаолиятининг қуйидаги йўналишларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- чет эллик талабаларни жалб қилиш;
- хорижий мамлакатларда таълим фаолиятини олиб бориш;
- хорижий компаниялар (шу жумладан университетлар) билан таълим дастурларини биргаликда ташкил этиш;
- илмий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш (фандрейзинг).

Хорижий талабаларнинг таълими бугунги кунда маҳаллий олийгоҳлар учун истиқболли даромад манбаи ҳисобланади.

Чет эллик талабаларни ўқитиш ва жойлаштиришни ташкил этиш орқали маблағ йиғишининг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- олий таълимнинг тўлиқ дастури учун чет эллик талабаларни тайёрлаш;
- чет эллик талабаларни турли қўшимча таълим дастурлари бўйича ўқитиш;
- чет эллик талабаларнинг олийгоҳ ётоқхоналарида яшаши учун жой ажратиш;
- турли воситачилик ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш.

Ҳозирги вақтда олийгоҳнинг хорижий талабалар учун жозибадорлиги Ғарб мамлакатларида унинг фаолияти самарадорлиги, олийгоҳнинг имидж кўрсаткичи сифатида қаралмоқда ва бу бошқа манбаалардан маблағ жалб этишда муҳим омил ҳисобланади. Европа университетлари ўртасида ўқиш учун тўловни ўз маблағлари ҳисобидан тўлайдиган чет эллик талабаларни жалб қилиш ва шунга мос равишда таълим бозорининг ушбу сегментида уларнинг улушини ошириш бўйича рақобат кучаймоқда. Бунинг учун эса олийгоҳнинг ўқув, ўқув-услугий, илмий тадқиқот фаолиятлари ҳар томонлама рақобатбардош бўлиши керак.

Америка университетлари умрбод таълим тизими тамойилларини жорий этишда фаол саналади. Америка узлуксиз таълим тизими мактаблар, коллежлар ва олий ўқув юртлари тўпламини ўз ичига олади. Баъзи штатларда узлуксиз таълим мутахассиснинг муайян фаолият турлари учун лицензия олиши учун зарурий шартга айланмоқда.

Узлуксиз таълим тизимидан энг фаол фойдаланадиган университетлардан бири Америка архитекторлар институтини мисол сифатида келтириш мумкин. Унинг узлуксиз таълим тизими архитекторларга ўз малакаларини

талаб қилинадиган энг сўнгги даражагача оширишга имкон бериши учун Америка архитекторлар институтини томонидан ишлаб чиқилган қўшимча ўқув курсларини таклиф қилади.

Штатда касбий фаолиятни амалга ошириш учун архитектор ўша штатнинг лицензиялаш бўлимида рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Лицензия олиш учун одатда архитектордан Архитектура институтини аккредитация қилинган ўқув дастурини тамомлаши, 3 йил давомида стажёр (ёш мутахассис) сифатида ишлаши, архитектура бўйича рўйхатдан ўтиб, белгиланган имтиҳонни муваффақиятли ўтиши ва кейин давлат лицензиясига (штатларга) ариза топшириш талаб этилади. Шундай кейингина унинг касбий фаолият билан шуғулланишига рухсат берилади.

АҚШда яқин вақтгача узлуксиз таълим талаби архитекторлар учун фақат иккита штатда мажбурий бўлган бўлса, ҳозирда 14 штат бундай талабни қабул қилди ва амалга оширди. 17 штатда бу масалани муҳокама қилиш турли босқичларда, бу эса меъморчиликни жорий этиш ниятидан далолат беради. Ушбу штатларда таълимни давом эттириш учун мажбурий лицензия талаби. Кўпроқ давлат рўйхатга олиш идоралари архитектор лицензиясини олиш учун узлуксиз таълим талабларини мажбурий деб қабул қилишлари сабабли, хизмат кўпроқ оммабоп бўлиб боради, бу эса тадбиркорлик стратегиясининг ушбу йўналиши ушбу университет учун янги истиқболли белгиланиши кўрсатади.

Аксарият олий таълим муассасалари раҳбарияти узлуксиз таълим уларга пул фойдасидан кўра кўпроқ олиб келишини аллақачон англаб етган. Уни ташкил этишда иштирок этиб, олийгоҳлар компаниялар билан яқин алоқаларни ўрнатади, олийгоҳ профессор-ўқитувчилари хусусий фирмалар ходимлари билан ҳамкорликда ишлайди. Бу профессор-ўқитувчилар учун жуда фойдали ва кўпинча тадқиқот ишлари учун янги шартномалар тузишга олиб келади ва келгусида қўшимча даромад манбаларига олиб келишга сабаб бўлади.

Бутун умр бўйи таълим билан бир қаторда таълим, илм-фан ва бизнеснинг интеграциялашув тенденцияси ҳам олийгоҳ тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири саналади. Тижорат корхоналарининг илм-фанни талаб қиладиган маҳсулот ва технологияларга қизиқиши ортиб бораётгани олий таълим муассасаларининг илмий ишланма натижаларини тижоратлаштириш имконини беради. Олий таълим муассасаларининг ўз ишлаб чиқаришини яратиш учун тижорат тузилмаларидан капитал жалб қилиш эҳтимолини оширади ва келгусида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга имкон беради. Бунда биз-

нес лойиҳаларига хизмат кўрсатиш соҳасидаги таълим фаолияти ҳисобланади.

Қўшма Штатларнинг кўплаб штат ҳукуматлари (Висконсин, Мичиган, Миннесота, Нью-Йорк, Иллинойс, Калифорния ва бошқалар) университет тадқиқотига яқин жойда янги технология марказларини яратиш учун давлат тадқиқот университетлари ва юқори технологияли фирмалар ўртасида яқинроқ алоқаларни кампуслар орқали рағбатлантирмоқда. Бундай ҳамкорликни ташкил этиш шакли илм-фанни кўп талаб қиладиган бизнес инкубаторлари бўлиб хизмат қилувчи, олий ўқув юртларининг илмий фаолияти учун ажойиб амалий асос бўлиб хизмат қилувчи “фан-технопарклар” деб аталади.

Технологик парк – илмий ташкилотлар, конструкторлик бюрolari, таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари ёки уларнинг таркибий бўлинмалари бирлашмаси шаклидаги илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни ҳудудий интеграциялашувининг муҳим шакли саналади.

Технопарклар юқори малакали мутахассисларни жамлаш, жиҳозланган ишлаб чиқариш, тажриба ва ахборот базасидан фойдаланиш орқали фан-техника ва техника ва технология ютуқларини жадал ривожлантириш ва жорий этиш мақсадида ташкил этилади. Энг кўп технопарклар ва шунга ўхшаш тузилмалар АҚШ ва Буюк Британияда тўпланган (бу икки давлат дунёдаги барча технопаркларнинг 50 %дан ортигини ташкил қилади) ва фанни талаб қилувчи бизнеснинг бу шакли 50 йилдан ортиқ вақтдан бери ривожланиб келмоқда.

Технопарклар ташкил этиш орқали олий ўқув юртлари томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот натижаларидан тижорат мақсадларида фойдаланиш жараёни рағбатлантирилмоқда, илмий ходимлар учун янги иш ўринлари яратилмоқда. Бунда:

Биринчидан, институт ва технопарк ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик схемасига кўра, институтда таҳсил олаётган барча талабалар ушбу корхоналарни арзон ва малакали ишчи кучи билан таъминловчи технопарк таркибига кирувчи корхоналарда амалий машғулотлардан ўтайдилар.

Иккинчидан, институт технопарк таркибига кирувчи корхоналарга биноларни ижарага беришнинг имтиёзли шакллари тақдим этилади.

Учинчидан, институт технопарк раҳбарияти билан биргаликда юқори технологияли бизнес-инкубация тизимини жорий этиш орқали кичик юқори технологияли бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмоқда, унинг доирасида истиқболли юқори технологияли компанияларни жорий этиш учун бошланғич ресурслар билан таъминланмоқда. Уларнинг

лойиҳалари офис ва лаборатория майдони, асбоб-ускуналаридан фойдаланиш ҳуқуқи бизнес инкубатор ва компаниянинг айланмаси ошгани сайин унинг ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳам ошади. Улар барқарор прогрессив ривожланиш босқичига етганда, компаниянинг катта офиси ва ўзининг тўлиқ жиҳозланган лабораторияси мавжуд бўлади.

Ўз навбатида, технопаркнинг ташкил этилиши институт учун ҳам фойдалидир, чунки технопаркни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш. институт илмий ютуқларни тижоратлаштириш, талабаларни амалиёт билан таъминлаш, биноларни ижарага олишдан даромад олиш ва ходимларнинг илмий салоҳиятини рағбатлантириш имкониятига эга бўлади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, инновацион жараён инновационларнинг янги ташкилий моделлари яратилган, уларни жойда энг тез амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Улардан энг самаралиси технопарк тузилмалари бўлиб, уларда инновацияларни жадал жорий этиш ва уларнинг қўламини кўп қарра ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ушбу ишларни Spin-off компаниялар тарзда ҳам амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Бунда Spin-off компаниялар технопарклар сингари олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчисининг илмий ишланма ва ноу-хауларини тез жорий этишга бағишланганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Spin-off компания – олий таълим муассасаси таъсисчилигида ДХШ шаклида ташкил этиладиган, юридик шахс мақомига эга ташкилот саналади. Spin-off компаниянинг устав жамғармасида олий таълим муассасасининг улуши 50% ва ундан юқори этиб белгиланади. Spin-off компания ташкил этишдан асосий мақсад олий таълим муассасасининг илмий изланишларини тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда фаолият натижасида олинган даромадини олий таълим муассасаси моддий техника базасини ривожлантиришга йўналтириш. Таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришда катта рол ўйнайди.

Хулоса ва таклифлар. Таълим соҳасида фаолият юритаётган замонавий иқтисодчи олимлар таълим муассасаларини молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бунда таълим муассасаларини молиялаштириш масалалари доимий ислоҳ қилиш билан боғлиқ эканлигини таъкидлаб келишади. Таълим муассасаларига – олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вазифалари юклатилган. Шунинг билан бирга мамлакат келажаги бевосита уларнинг билим ва малакаси даражасига боғлиқ.

Олий таълим фаолиятини амалга ошириш ҳам катта молиявий харажатларни талаб қилади, шу муносабат билан университетлар етарлича бўлмаган молиялаш шароитида улар тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланиб, бюджетдан ташқари маблағларни топишлари зарур бўлади.

Таълим муассасаси тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади, худди юридик шахси каби фойда олиш саналади. Бироқ, бу асосий фаолият ҳисобланмайди. Етарли молиявий таъминланмаган шароитда олийгоҳ олдида юқори малакали илмий-педагогик кадрларни сақлаб қолиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, моддий-техника базасини янгилаш ва кенгайтириш каби вазифалар туради. Таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган маблағлар, биринчи навбатда, ана шу вазифаларни ҳал этишга йўналтирилади. Шу муносабат билан олийгоҳ томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Олий таълим муаммоларини аниқлаш учун мамлакат олий таълим тизимининг таҳлили амалга оширилиши зарур бўлади. Олийгоҳларни молиялаштириш масалалари, олий таълимни молиялаштиришнинг жаҳон тажрибалари таҳлил қилинди. Бунда шуни кўрсатдики, давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг етарли эмаслиги олийгоҳлар ўз келажагига ғамхўрлик қилиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти йўналишларини фаоллаштиришга эътибор қаратилади.

Тадқиқот иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди:

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони.
2. "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш" концепцияси Ўзбекистон еспубликаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон
3. https://studbooks.net/1657767/finansy/vnebyudzhetye_istochniki_finansirovaniya_vuzov
4. Kirby, D.A. (2002b). "Creating Entrepreneurial Universities: A Consideration". School of Management. Working Paper, University of Surrey.
5. Kirby, D.A. (2005). "Creating Entrepreneurial Universities in the UK: Applying entrepreneurship theory to practice". *Journal of Technology Transfer*. In press.
6. Leclerc, W. (1985). "Universities and Entrepreneurs". *Journal of Small Business and Entrepreneurship*, 3(2): 41-47.
7. Laukkanen, M. (2000). "Exploring Alternative Approaches in High-level Entrepreneurship Education: Creating Micro-mechanisms for Endogenous Regional Growth". *Entrepreneurship and Regional Development*, 12: 25-47.
8. Shane, S. (2004). "Encouraging university entrepreneurship? The effect of the Bayh-Dole on university patenting in the United States". *Journal of Business Venturing*, 19: 127-151.
9. Clark, B. R. (1998). *Creating Entrepreneurial Universities*. Oxford: Pergamon.
10. Sporn, B. (2001). "Building Adaptive Universities: Emerging Organisational Forms Based on Experiences of European and US Universities". *Tertiary Education and Management*, 7(2): 121-134.
11. Etkowitz, H. (2004). "The evolution of the Entrepreneurial University". *International Journal of Technology and Globalization*, 1: 64-77
12. Иваненко М.А. Формирование рынка образовательных услуг. –М.: Экономика образования, 2007.№2. с.16– 18
13. Roger Brown, *Higher Education and the Market: Further Thoughts and Reflections*, Southampton Solent University.С.
14. Панкрухин, А.П. Маркетинг образовательных услуг [Электронный ресурс]: уч. пособие / А. П. Панкрухин. – Режим доступа: <http://www.marketing.spb.ru/lib-special/branch/mou/14.htm>
15. Роздольская И.В., & Исманов, И.Н. (2020). Развитие цифровой корпоративной культуры как важного инструмента стратегического развития организации. In *Развитие экономической науки в условиях формирования глобального цифрового общества* (pp. 24-29).
16. Najmiddin, T., & Saidalohonovich, K. A. (2020). *About the origin and development of the universe, man, and accountability*. *Journal of Critical Reviews*, 7(13), 1763-1769.
17. С.У.Меҳмонов Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқт.фан.док. (DSc) илм.дар.олиш учун ёзил. дис.автореф. –Т.: 2018. – Б36.

• олий таълим муассасаларида қўшимча касбий таълим дастурларини ишлаб чиқиш асосида ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар, хизмат кўрсатиш объектларидан кадрларни жалб қилган ҳолда малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш зарур. Бунда олий таълим муассасасига бюджетдан ташқари қўшимча маблағларни ишлаб топилишига сабаб бўлади.

• олий ўқув юртларида зарур бўлган шарт-шароитлар инobatга олган ҳолда "тадбиркорлик олийгоҳи"ни яратиш зарур, деб ҳисоблаймиз. "тадбиркорлик олийгоҳи"нинг асосий хусусиятлари сифатида: кучли бошқарув; юқори малакали жамоа, билимларни капиталлаштириш, натижалардан тижорат мақсадларида фойдаланиш, интеллектуал фаолият, олийгоҳларнинг давлат ва бизнес вакиллари билан яқин алоқалари, ҳамкорлиги, пировардида эса мустақилликка эришишга сабаб бўлади. Бунда мазкур олийгоҳ тадбиркорлик ғоялари, бозордаги талаб, бизнес билан алоқа, тадбиркорлик қобилиятига эга ходимларни аниқлаш ва уларни малакасини оширишга эътибор қаратиши зарур бўлади.

• илмий ишланмаларни тезлик билан сотилишини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасасининг муассислигида кичик инновацион корхоналар, Spin-off компаниялари, илмий марказлар фаолиятини ташкил этиш асосида яратилган илмий ишланмалар, патент, ноу-хау ва шу кабиларни тезлик билан сотилишига эришиш зарур, деб ҳисоблаймиз.